



## ДАВЛАТ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТЎҒРИ СОЛИҚЛАРНИНГ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Хўжақўлов Рамшид Юнусович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси.*

*Тошкент, Ўзбекистон. [r.xujaqulov@soliq.uz](mailto:r.xujaqulov@soliq.uz)*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss6/a40](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a40)

### **Аннотация**

Мазкур мақолада республикамизда янги тараққиёт стратегиясида солиқ-бюджет тизимини самарадорлигини таъминлаш ҳисобланади. Солиқ салоҳиятини ҳисоблаш формуллари келтирилган шунингдек солиқ-сиёсатини такомиллаштириш, бюджетда харажатлар эҳтиёжларини ва тенглаштириш дастурларининг асосий жиҳатларини аниқлашда мавжуд инновацион усуллар ва услубий ёндашувларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлашнинг кенг қўламли усулларини қўллаш таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, маҳалий бюджет, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

### **Abstract**

This article is aimed at ensuring the effectiveness of the tax and budget system in the new development strategy in the country. Formulas for calculating tax potential are also presented, as well as suggestions for improving tax policy, improving the development of existing innovative methods and methodological approaches in determining the needs of the budget and key aspects of equalization programs, the use of comprehensive methods of economic and mathematical modeling and forecasting.

**Keywords:** Tax, budget policy, budget, tax administration, local budget, tax potential, normative analysis, positive analysis, tax burden, representative tax rate, average rate tax report, tax revenues, tax deductions, tax rate.

### **Кириш**

Давлат бюджети тузумидан ва тараққиёт даражасидан қатъий назар, давлат функцияларини бажариш учун бюджет даромадларининг лозим даражада шакллантириш ҳар бир давлат учун зарур ҳисобланади. Бу вазифа солиқ сиёсатини тўғри юритишда ҳамда бюджет дефицитини қоплаш усулларини танлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги тараққиётнинг ҳозирги босқичида республикамизда маҳаллий бюджетларнинг ролини ошириш, ташаббусли бюджетни жорий этиш билан боғлиқ масалаларини ҳал этиш учун уларнинг даромад манбаларини тўғри прогноз қилиш орқали уларнинг даромадларини кучайтириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодий нуқтаи назардан, солиқ ва солиқдан ташқари тушумларнинг ўсиши учун қўшимча заҳираларни топиш ва жалб қилиш нафақат маҳаллий бюджетларни тўлдириш, балки замонавий ҳуқуқий маконни шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар, турли ижтимоий йўналтирилган шаҳар дастурлари ва уларни амалга ошириш масаласидир.

Россиялик иқтисодчилардан Ю.А. Власованинг фикрига кўра “Маҳаллий бюджетларнинг даромадли салоҳияти давлат-хусусий шерикликни янада фаолроқ амалга оширишни, солиқ имтиёзларини жорий этиш ва бюрократик жараёнларни тезлаштириш ва соддалаштириш орқали бизнес юритишни иложи борица осонлаштиришни, ноишлаб чиқариш харажатлари улушини камайтиришни ва ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтиришни талаб қилади. Натижада минтақадаги бюджет сиёсати самарадорлигининг ошишига олиб келади. Маҳаллий бюджетларнинг даромад салоҳиятини ошириш бўйича комплекс қарор узоқ муддатли истиқболда бутун минтақа иқтисодиёти учун кучли ижобий таъсир кўрсатади”[1]. Яна бир Россиялик иқтисодчи, профессор О.Сухарев барча даражадаги бюджет даромадлари манбаларини тубдан ўзгартириш, бюджет механизмини рағбатлантиришга йўналтирилган харажатларни самарали фаолият натижаларни жорий этиш тизимини илгари суради [2]. Жумладан, А.В.Брызгалин ўз тадқиқотларида солиқ тушумлари билан солиқ юки ўртасидаги боғлиқларни тадқиқ қилиб унинг солиқ тушумлари прогнозига таъсирини баҳолаган бўлса, В.Г.Пансков ва В.Кынязевлар бюджетни прогноз қилишда солиқ тушумларини прогнозлаштиришнинг аҳамиятини кўрсатиб берган [3,4].

и.ф.д. С.Худойқулов [5] ўз тадқиқотларида эконометрик усуллар орқали давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган, PhD А.Агзамов [6] жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 2019-2023 йиллар учун прогноз кўрсаткичларини аниқлаган, PhD У.Пардаев [7] давлат бюджети даромадларини прогнозлаш масалаларини тадқиқ этган, и.ф.д. Ж.Урмонов [8] 2018-2020 йилларга мўлжалланган ягона солиқ тўловининг солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларини аниқлаган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А. Ваҳобов, А. Жўраев, А. Маманазаров, Б. Тошмуродова, З. Срождинова, Н. Қўзиева, Н. Ҳайдаров, О. Иминов, Т. Маликов, Х. Кобулов, Ш. Тўраев, Қ. Яхъёев ва бошқаларнинг тадқиқотларида давлат бюджети даромадларининг таркиби, уларни бошқариш, солиқ ислохотларининг алоҳида назарий, амалий ва методологик жиҳатлари тадқиқ қилинган [9-16].

Бизнинг фикримизча бюджети даромадларидаги улушини ортиб бориши, солиқ тўловчилар сонининг ўсиши, солиқ имтиёзлари, солиқ қарзлари ва ортиқча (олдиндан) тўловлар динамикасидаги ўзгаришларига олиб келади. Бундан ташқари давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш рақобатбардошликка таъсир қилиш омилларидан бири бўлсада, солиқ тизими корхоналарнинг рақобатбардошлигига турли хил йўллар билан таъсир қилади. Солиқ солиш инвестиция ва инновацион жараёнларга таъсир қилиш орқали корхоналарнинг рақобатбардошлигига билвосита таъсир қилади.

### **Тадқиқот методологияси**

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида маҳаллий бюджетлар

барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва йиғимлар тушумлари прогнозини тайёрлаш мақсадида солиқлар ва йиғимлар тушумларининг прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминлашга ҳамда солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади. Прогнозни ҳисоблаш учун ҳақиқий базага боғлиқ бўлган ёки унинг қийматини аниқлайдиган солиқ базаси ёки макроиқтисодий кўрсаткичлар асос бўлиб ҳисобланадиган солиқлар ва йиғимлар бўйича қонунчилик ҳужжатларида жорий йил бўйича тушумларни баҳолаш ҳисоб-китоби қўйидаги усуллар билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Давлат бюджети даромадларини прогнозлаш қўйидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилади:

**узлуксизлик тамойили** прогноз баҳолашни такомиллаштириш учун прогнозлаш жараёнининг доимийлигини (реал вазиятнинг мумкин бўлган ўзгаришлари муносабати билан прогноз баҳолашни аниқлаштириш), шунингдек, бюджет даромадларини прогнозлаш ва даромадларни бошқариш режаларини тузиш ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди;

**кўп вариантли ҳисоб-китоблар тамойили** турли прогноз вариантларини таққослаш ва оптимал вариантни танлаб олиш;

**тўлиқлик тамойили** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча даромадларни бюджетда муҳимлиги ва аҳамиятлилиги талабига риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда прогноз қилишни назарда тутати;

**бирлик тамойили** барча маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича бюджет даромадларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда ягона ёндашувни қўллашни назарда тутати.

Давлат бюджети даромадлари прогнози бутун мамлакатни, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози, солиқ, божхона, бюджет ва бошқа тармоқдаги ўзгаришларни баҳолашга асосланади. Қонун ҳужжатлари, шунингдек солиқ ва божхона маъмуриятчилиги ва бошқа бюджет даромадларини бошқариш даражасини ҳисобга олинади.

Давлат бюджети даромадлари прогнозини шакллантириш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади: даромад турлари бўйича базани аниқлаш (йиғиш, тўплаш), прогнозлаш учун параметрлар тизимини танлаш;

бюджетга даромадлар тушишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, даромадлар ўсишини рағбатлантирадиган ҳамда даромадлар ўсишини секинлаштириш мумкин бўлган таъсирлар тўғрисида эксперт хулосаларини илгари суриш;

дастлабки маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, уларни баҳолаш, маълумотларнинг бир хиллиги ва солиштирилишини текшириш;

агар керак бўлса, аниқловчи омилларнинг дастлабки маълумотларини тузатиш; зарур ҳолларда бюджет даромадлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тузатиш, бюджет йўқотишларини (қўшимча даромадларини), бир марталик тушумларни миқдорий баҳолаш;

бюджет кўрсаткичлари динамикаси тенденцияларини аниқлаш, прогнозларнинг бир нечта вариантларини ишлаб чиқиш;

даромадларни прогноз қилишнинг турли хил вариантларини кўриб чиқиш ва энг мақбулини танлаш лозим.

Бундан ташқари, прогнозлаш методологияси ҳар бир даромад тури учун ишлаб чиқилади ва ҳар бир даромад тури учун қуйидаги ҳисоблаш усулларида бири қўлланилади:

**тўғридан-тўғри ҳисоблаш** - даромад турлари бўйича тушумларнинг прогноз ҳажмини белгиловчи ҳажм ва таннарх кўрсаткичлари, ставкалар даражалари ва бошқа кўрсаткичларнинг прогноз қийматларидан бевосита фойдаланиш асосида;

**индексация** - Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари даромадларининг прогноз тури динамикасини тавсифловчи ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш коэффициентларидан, шу жумладан абсолюта, фойдаланган ҳолда ҳисоблаш;

**экстраполяция** - олдинги даврлардаги даромадлар тенденциялари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида амалга ошириладиган ҳисоб-китоб;

**ўртача ҳисоблаш** — Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари даромадларининг йиллик ҳажмларини камида 3 йил давомида ёки агар у 3 йилдан ошмаса, тегишли турдаги даромадлар келиб тушишининг бутун даври учун ўртача кўрсаткичларига асосланган ҳисоб-китоб; даромад олишни ишончли прогноз қилиш имконини берувчи бошқа усуллар.

Бизнингча қуйидаги формула бўйича белгиланган солиқ базаларига тегишли ставкаларни қўллаш йўли билан:

**Фойда солиғи тушумлари прогнозида қуйидагилар ҳисобга олинади:**

Фойда солиғи прогнози:

$$P = (V * Stb * St) + ((V - C - (V * Stb)) * Sto) + (A)$$

бунда: P - солиқ прогнози;

V - ялпи тушум;

Stb - фойда солиғининг солиқ базаси (солиқ солиш базасининг, товар (иш, хизмат) реализация қилишдан тушган тушумнинг 15 фоизига тенг миқдордаги қисмига);

St - фойда солиғининг стандарт ставкаси;

C - жами харажат;

Sto - фойда солиғининг оширилган ставкаси;

A - олдинги йилдан қолган тўловлар.

Фойда солиғи бўйича тушумларнинг ялпи ҳажми прогнозини ҳисоблаш ҳар бир даромад тури бўйича, Солиқ кодексининг 297-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисобга олмасдан, алоҳида-алоҳида амалга оширилади.

Шунингдек, фойда солиғи Солиқ кодексига белгиланган тегишли ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Фойда солиғи тушумлари прогнозида қуйидагилар ҳисобга олинади:

- навбатдаги молия йили ва режалаштириш даври учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогноз кўрсаткичлари;

- ўтган даврлар учун фойда солиғи бўйича солиқ базаси, ҳисобланган суммалар ва ҳақиқий тушумлар динамикаси;

- бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Солиқ кодексининг 337, 353-моддаларида назарда тутилган солиқ ставкалари, имтиёзлар ва преференциялар.

Фойда солиғи бўйича тушумларнинг ялпи ҳажми прогнозини ҳисоблаш ҳар бир даромад тури бўйича, Солиқ кодексининг 297-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисобга олмасдан, алоҳида-алоҳида амалга оширилади.

Дивиденд солиғи суммаси прогнози:

$$P = (V - C - Ss) * Dp$$

P - солиқ прогнози;

V - ялпи тушум;

C - жами харажат;

Ss - фойда солиғи суммаси;

Dp - дивиденд солиғи ставкаси.

Бошқа солиқ тўловчилар бўйича фойда солиғи тушумлари прогнози (мазкур Методиканинг 20-бандидаги солиқ тўловчилардан ташқари) жорий йилда кутилаётган тушумлар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг номинал ўсиш суръати бўйича индексация қилиш йўли билан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозига мувофиқ ҳисобланади ва қуйидаги формула орқали прогнозлаштирилади:

$$P = Kd * K * Ks * T_k$$

бу ерда: P- солиқ прогнози;

Kd - жорий молиявий йил учун кутилаётган даромад тушумлари;

K- мос келадиган макроиқтисодий кўрсаткичнинг динамикасини тавсифловчи коэффициент;

Ks - солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт ҳулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Tk - қонунчиликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ прогноз йилидаги қўшимча (+) ёки кам (-) солиқ тушумлари, шунингдек тизимли бўлмаган характердаги бир марталик тўловлар.

**Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоб-китоб қилишда қуйидагилардан фойдаланилади:**

- навбатдаги молия йили ва режалаштириш даври учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогноз кўрсаткичлари;

- ўтган даврлар учун Солиқ кодексининг 366-моддасига мувофиқ солиқ бўйича солиқ базаси динамикаси, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботи шакллари йиғма маълумотлари асосида ўтган даврлар учун солиқ статистикаси маълумотларига мувофиқ солиқ бўйича ҳақиқатдаги тушумлар динамикаси;

- Солиқ кодексининг 54-боби «Солиқ имтиёзлари»да ва бошқа манбаларда назарда тутилган солиқ ставкалари, имтиёзлар ва преференциялар;

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумларнинг прогноз ҳажмини ҳисоблаш прогноз кўрсаткичлар, ставкалар даражалари ва бошқа кўрсаткичлардан (солиқ бўйича солиқ имтиёзлари, йиғувчанлик даражаси ва бошқалар) тўғридан-тўғри фойдаланишга асосланган тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули ёрдамида амалга оширилади.

Солиқ солинадиган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база номинал қийматдаги иш ҳақи ҳисобланади. Прогноз иш ҳақи фонди иш ҳақи фондининг ўтган йиллардаги, ўртача ўсиш суръатларини иш ҳақи фондининг ҳисобот (статистик) маълумотларига тадбиркорлик субъектлари ва бюджет муассасалари бўйича алоҳида қўллаш орқали аниқланади. Белгуси йиллар учун жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича прогноз қуйидаги

формула орқали прогнозлаштирилади:

$$P = F * fk * St + Tk + CI * rci * Std + Di * rdi * Stde + tritd * k * Ks - Si$$

**P**- солиқ прогнози;

**F**- меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси;

**fk**- меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ўсиш коэффициенти;

**St**- даромад солиғи ставкаси;

**Tk**- солиқ сиёсати концепцияси шартларига кўра кутилаётган қўшимча даромад ёки йўқотиш;

**CI**- жисмоний шахслар дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги кутилаётган даромадлари;

**rci**- дивиденд ва фоизлар бўйича ҳисоблаб чиқарилган ўсиш ставкаси;

**Std**- дивиденд ва фоизлар бўйича солиқ ставкаси;

**Di**- жисмоний шахсларнинг декларация қилинадиган даромадлари;

**rdi**- жисмоний шахсларнинг декларация қилинадиган даромадлари ҳисоблаб чиқилган ўсиш суръати;

**Stde**- декларация асосида тўланадиган даромад солиғи ставкаси;

**tritd**- якка тартибда фаолият кўрсатуви тадбиркорлар учун қатъий белгиланган даромад солиғининг кутилаётган миқдори;

**k**- якка тартибда фаолият кўрсатуви тадбиркорлар учун қатъий белгиланган даромаднинг ўсиш суръати;

**Ks**- солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

**Si**- кутилаётган солиқ имтиёзлари

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг прогноз ҳажми солиқ имтиёзлари ва солиққа тортилмайдиган даромадлар кўринишида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича солиқ солинадиган базада ҳисобга олинadиган, солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар, солиқдан озод қилишлар ва преференцияларни қўлланилиши муносабати билан даромадлар йўқотилишини ҳисобга олган ҳолда, ҳисоблаб чиқилади.

**Айланмадан олинadиган солиғи солишнинг махсус режимини қўллаш муносабати билан тўланадиган айланмадан олинadиган солиқни ҳисоб-китоб қилиш учун қуйидагилар қўлланилади:**

- навбатдаги молия йили ва режалаштириш даври учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогноз кўрсаткичлари;

- ўтган даврлар учун айланмадан олинadиган солиғининг солиқ базаси, ҳисобланган суммалар ва ҳақиқий тушумлар динамикаси;

- Солиқ кодексида назарда тутилган солиқ ставкалари, имтиёзлар ва преференциялар.

Айланмадан олинadиган солиқ тушумларининг прогноз ҳажмини ҳисоблаш танланган солиқ солиш объектидан келиб чиққан ҳолда солиқнинг ҳар бир тури бўйича тушумлар прогнози суммаси асосида бевосита прогноз кўрсаткичлар, ставкалар даражаси ва бошқа кўрсаткичлар (солиқ бўйича солиқ имтиёзлари, йиғувчанлик даражаси ва бошқалар) фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули бўйича амалга оширилади.

Айланмадан олинadиган солиқлар бўйича прогноз жорий йилда кутилаётган тушумлар ҳажмини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозига мувофиқ ялпи ички маҳсулотнинг прогноз қилинадиган ўсиш суръати ёки прогноз қилинадиган инфляция

даражаси бўйича индексация қилиш йўли билан ҳисобланади. Солиқ прогнози қуйидаги формула орқали прогнозлаштирилади:

$$P=(Kd*GDPk+Tk)*Ks*Si$$

*P* – солиқ прогнози;

*Kd* – айланмадан олинандиган солиқнинг кутилаётган миқдори;

*GDPk* – ялпи ички маҳсулотнинг номинал ўсиш суръатлари;

*Tk* – солиқ сиёсати концепцияси шартларига кўра кутилаётган қўшимча даромад ёки йўқотиш;

*Ks* – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффицент;

*Si* – кутилаётган солиқ имтиёзлари.

### **Хулоса ва таклифлар**

Мазкур мақола доирасида фойда солиғи, даромад солиғи, айланмадан олинандиган солиқнинг давлат бюджетнинг асосий даромад манбалари бўлган солиқларни ҳисобланиб, мазкур солиқларни прогноз қилиш доирасида амалга оширган кичик тадқиқотларимиз илмий хулосалари шуни кўрсатмоқдаки, прогноз қилиш ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир солиқ тури бўйича прогноз кўрсаткичларига тез ўзгарувчан характерга бўлган кўплаб омиллар таъсир қилади. Шу жиҳатдан олганда бизнинг фикримизча даромад манбалари бўлган солиқларни прогноз қилиш бугунги кунда жаҳон амалиётига кенг қўлланилаётган дастурий маҳсуллардан самарали фойдаланиш фойдадан ҳол бўлмади ва унинг услубий асосларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Бундан ташқари, мазкур солиқ турлари бўйича бюджетга тушумлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади.

1) Фойда солиғи бўйича чегирилиши мумкин бўлган захира фондига банк бадаллари миқдорини 80% дан 60% гача камайтириш (Амалда солиқ тўловчилар Солиқ кодексига асосан банклар захира фондига ажратмаларнинг 80 фоизигача қисмини фойда солиғидан чегириш ҳуқуқига эга).

2) Айланмадан олинандиган солиқ ставкасини ягона 3 фоиз қилиб белгилаш. Мазкур унификация доирасида чекка ҳудудларда фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчилар учун 1 фоизлик имтиёзли ставкани сақлаб қолиш (Амалда Солиқ кодексига мувофиқ айланмадан олинандиган солиқ бўйича фаолият тури ва уни амалга ошириш жойига қараб 22 турдаги ставкалар белгиланган).

3) Хусусий мулк ҳуқуқи асосида жисмоний шахсларга қарашли мол-мулкни юридик шахсларга сотишдан олинган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғидан имтиёзни бекор қилиш (Амалда бу имтиёздан жисмоний шахслар солиқ тўлашдан бўйин товлаш мақсадида фойдаланмоқдалар).

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Власова Ю.А., Абрамова А.И. Проблемы укрепления доходного потенциала региональных бюджетов в россии на примере калужской области//Креативная экономика. 2015. Т. 9. № 10. С. 1255-1276.

2. Сухарев О.С. Инвестиции в транзакционный сектор и в финансовые активы: влияние на экономический рост. Финансы: теория и практика. 2020;24(3):60–80. DOI:

3.Брызгалин А.В. «Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации». -М.: 2002. С.54.

4. Пансков В., Кынязев В. «Налоги и налогообложение». Учебник. -М.: МЦФЭР. 2003.С.61.
5. Худойқулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. 2019 йил. Б. 14-16; 20-21; 28-29.
6. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2019 йил. Б.17-22.
7. Пардаев У.Ў. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2018 йил. Б.11-20.
8. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. <http://diss.natlib.uz>. 2019 йил. Б. 27, 218-220, 225-230.
9. Ваҳобов А.В., Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. Т.: Иқтисод-молия, 2001. – 174б.
10. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 224б.
11. Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2002. – 22б.
12. Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. - Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод ва молия». 2007, – 21б.
13. Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. – Тошкент, “Академия», 2002. – 204б.
14. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.,: Академия, 2002. – 279б.
15. Маликов Т.С., Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 230б.
16. Кобулов Х.А. Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. –Т.: БМА, 2006., –22б.
17. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.